

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2018  
Декабрь

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>А.АКБАРОВ</b>	
Ҳайнрих Ҳайненинг “Қарағай” шеъри ва унинг таржималари ҳақида .....	83
<b>ТИЛШУНОСЛИК</b>	
<b>А.МАМАЖОНОВ, А.САМИНОВ</b>	
Оксюморон – нутқда ғайриодатий бирикмалар ҳосил қилиш усулларида бири .....	88
<b>М.РАСУЛОВА, И.ҚУЧҚАРОВ</b>	
Инглиз ва ўзбек тиллари паремия ва фразеологик бирликларининг концептуал гендер таҳлили .....	91
<b>Ҳ.ЗАКИРОВА</b>	
Замахшарий ва унинг “Муқаддамат ул-адаб” асари талқини .....	94
<b>ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ</b>	
<b>Б.УМУРЗАҚОВА</b>	
Хорижий тилларни ўқитишда ёшларда эстетик дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик асослари .....	97
<b>А.АБДУЛЛАЕВ, Н.АБДУЛЛАЖОНОВ</b>	
Мамлакатимиз оммавий жисмоний маданияти ва оммавий спортнинг назарий асослари .....	100
<b>ИЛМИЙ АХБОРОТ</b>	
<b>М.НАЗАРОВ</b>	
Балиқларни тўйимли тирик озуқа билан боқиш сифатли балиқ етиштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида .....	103
<b>Ш.ЖУМАНИЯЗОВ</b>	
Ўзбекистон тасвирий санъатида маҳобатли рангтаъсир асарларнинг тарихий ва замонавий интеграцияси .....	105
<b>А.АБДУХАЛИМОВ</b>	
Мустақиллик йилларида Фарғона водийси қишлоқларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари .....	109
<b>И.М.АРЗИМАТОВА, М.ИСМОИЛОВА</b>	
Шахс тарбиясида эстетик қадриятларнинг ўрни .....	112
<b>А.ҚАМБАРОВ, М.НАЖМЕТДИНОВА</b>	
Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда мусиқий маданиятнинг роли .....	114
<b>С.СОДИҚОВ</b>	
Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фуқаролик жамияти қуриш гарови .....	116
<b>А.САБИРДИНОВ</b>	
Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романига чизгилар .....	119
<b>Д.ХУСЕНОВА</b>	
Лев Толстой ҳикояларида шарқона мотивлар .....	121
<b>В.ГИЁСОВА</b>	
Эртанинг халқ оғзаки ижодиётида фольклор матнининг кўринишларидан бири сифатида .....	124
<b>М.ШОКИРОВА</b>	
“Спорт” семали бирликлар хусусида .....	127
<b>А.АСИМОВ</b>	
Ўқувчиларни масала тузишга ўргатишда инновацион ғоялардан фойдаланиш .....	129
<b>Д.ҚАМБАРОВА</b>	
Янги авлод ўқувчиларининг интеллектуал ва ижодий ривожланишининг давлат таълим сиёсати .....	133
<b>Д.ЮЛДАШЕВА, Н.НАБИЕВА</b>	
Болалар фольклорида “Бўри” зооморф метафорасининг антропоцентрик таҳлили .....	135
<b>М.ДИЛБАРЖОНОВА</b>	
Тахаллус ва лақабларнинг қўлланилиши хусусида .....	138
<b>И.ЮЛДАШЕВ, И.ПУЛАТОВ, Г.ЙУЛДАШЕВА</b>	
Тасвирий санъат машғулоти орқали тушунча, тасаввурлар ҳосил қилишда кўргазмалилик принципнинг назарияси ва методикаси .....	140
<b>Х.ШОДМОНОВ Ш.АКРАМОВ</b>	
Қанд лавлагининг биологияси, етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий самарадорлиги .....	142
<b>М.РАХИМОВ, Х.АБДУРАСУЛОВ</b>	
Четдан келтирилган қорамол бузоқларини бўрдоқига боқишнинг жадал усули .....	145
<b>БИБЛИОГРАФИЯ</b>	
Библиография .....	147

## ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТИДА МАҲОБАТЛИ РАНГТАСВИР АСАРЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ИНТЕГРАЦИЯСИ

Ш.Жуманиязов

**Аннотация:**

Мақолада Ўзбекистонда маҳобатли рангтасвир асарларининг тарихий ва замонавий аҳволи ҳақида фикр юритилади. Унда, энг аввало, қадимги даврлардан бошлаб маҳобатли санъат асарларининг вужудга келиши ҳақида сўз боради. Жумладан, қадимий деворий суратлар асосида яратилган замонавий рангтасвир асарлари хусусида илмий маълумотлар берилган.

**Аннотация:**

В статье выражается мнение об историческом и современном состоянии произведений монументальной живописи Узбекистана. Приводятся данные о зарождении произведений монументального искусства с древних времен ее развития. В частности, представлены сведения о произведениях современной живописи, созданных на основе древних настенных рисунков.

**Annotation:**

The article expressed an opinion about the historical and current state of the works of the monumental painting of Uzbekistan. Since ancient times, the development of monumental art works presented data on its origin. Notes in particular wall paintings.

**Таянч сўз ва иборалар:** тасвирий санъат, санъат тарихи, санъат дурдоналари, қадимги санъат, Ўрта асрлар санъати, мустақиллик даври ютуқлари, рассомлар, ижодкорлар.

**Ключевые слова и выражения:** изобразительное искусство, история искусства, шедевры искусства, древнее искусство, средневековое искусство, достижения в период независимости, художники, творцы.

**Keywords and expressions:** fine arts, history of art, masterpieces of art, the ancient art, medieval art, the achievements in the period of independence, artists and creators.

Ўзбекистоннинг бебаҳо бойлиги саналадиган қадимий ёдгорликларни кайта тиклаш, уларни асраб-авайлаш, ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган масала ҳисобланади. Бизга маълумки, халқимизнинг асрлардан-асрларга мерос қилиб сақланиб келаётган миллий меъморчилигимиз замирида яратилган маҳобатли рангтасвир деворий асарлар узоқ тарихий даврга бориб тақалади. Юртимиз санъати қадимги даврлардан бошлаб жаҳон маданияти ривожига ўзининг бебаҳо ҳиссасини қўшмоқда. Халқлар, миллатлар, шунингдек, даврлар санъати бири-бирига қўшилиб бориб ривожланади, ўзгача намуналарни юзага келтиради. Шунинг учун ҳам санъатда янги оқимлар, йўналишлар, услублар шаклланмоқда. Ана шундай йўналишлардан бири бўлган маҳобатли рангтасвир санъатининг тарихи тадқиқоти ҳам долзарб масалалардан саналади.

Маҳобатли рангтасвир қадимий санъат турлари ичида биринчи бўлиб шаклланган. Инсониятнинг ривожланиш тараққиёти даврида ҳам Шарқ ва Ғарб мамлакатлари орасида муваффақиятларга эришиб келган ҳамда катта қизиқишлар уйғотган. Ҳозирги кунда қатор Европа мамлакатлари Шарқ халқларининг маҳобатли рангтасвир асарларига қизиқишса, бу

борада Шарқ халқлари ҳам бошқа мамлакатларнинг аҳамиятга молик ижод манбаларини ўрганишга интилиб келган. Бу санъат тури буйича бир қатор машҳур худудлар, хусусан, Хитой, Ғарбий Шарқ, Осиёда юксак тараққий этган ва омад келтирган. Айниқса, Европа мамлакатларида жуда яхши ривожланган [1.542-563].

Шарқ халқларида эса бир жиҳатдан ушбу санъат тури ривожини қисман қотиб қолганлигини кўриш мумкин. Агар тарихий воқеаларга аҳамият берадиган бўлсак, айнан ана шу маҳобатли деворий суратлар дунё халқларининг фикрлашининг ўзгаришига сабаб бўлган. Ҳозирги кунда Шарқ халқларининг бу турдаги асарларининг бутунлигича сақлаб қолинмаганлиги ўрганилиши лозим масала сифатида юзага чиқди. Шунинг учун ҳам ижод манбалари тахминлар ва фаразлар орқали тасаввур қилинади. Юқоридаги фикрлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, маҳобатли рангтасвир асарлари тарихи, замонавий кундаги аҳволи қанча кўп ўрганилишига қарамай, ҳали ҳам камчиликлари жуда кўплигига амин бўламиз. Шунинг учун ҳам бу ижод турини қанча кўп ўргансак, шунча

Ш.Жуманиязов – Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти тасвирий санъат факультети маҳобатли рангтасвир кафедраси мудири.

фойдали бўлиб, долзарблигича қолади.

Санъатнинг бу тури халқимизнинг маданий ҳаёти, этник келиб чиқиши, кундалик турмушини билиб олишимизда биринчи манба бўлиб ҳисобланади. Маҳобатли рангтасвир санъати қадимий деворий суратлар орқали шаклланган бўлиб, уни ўрганишда IV асрдан то XX асрга қадар бўлган давр маҳобатли санъат асарларининг таҳлили асосида олиб борилиши лозим[2].

Маҳобатли рангтасвир санъатини қадимги даврдан то ҳозирги кунга қадар босиб ўтган йўли бу ижод турининг асрлар мобайнида ривожланиб сайқал топганини ва XX асрдан замонавий услубда ривожлана бошлаганини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон рассомлари, шунингдек, жаҳондаги бадиий жараёндан четда қолаётгани йўқ. Миллий рангтасвир бадиий уфқида ҳар йили янги-янги, ижоди мафтункор санъаткорлар пайдо бўлиб, улар санъатимизни янада ривожлантириш ва бойитишга ҳисса қўшиб келишмоқда.

Энг аввало уни ўрганиш учун тарихга назар ташлашимиз керак. Тасвирий санъатнинг ривожланиши мил.ав. IV асрда намоён бўлди. Бу даврда нафақат рангтасвир ёки ҳайкалтарошлик ривожи, энг муҳими, тасвирий санъат ривожининг меъморчилик билан уйғунлашганини кўрамыз. Ўрта Осиёда муҳим маданий марказ бўлган Ўзбекистон ҳудудида илк феодализм бадиий маданиятининг ютуқлари монументал-декоратив рангтасвир санъатида ўзини тўлиқ намоён қилади, Афросиёб (Самарқанд), Варахша (Бухоро вил.), Болаликтепа (Сурхондарё вил.) деворий расмлари жаҳон монументал-декоратив рангтасвир санъатининг нодир дурдонаси ҳисобланади. Бу расмлар ўзининг юксак маҳорат билан ишланганлиги, реал ҳаётни бадиий образларда ифодали акс эттириши билан белгиланади. Бухоро воҳасидан топилган Варахша ҳукмдори саройи қолдиқлари ва деворий расмлари тахминан VII-VIII асрларда ишланган. Варахша деворий расмлари ичида ов манзараси яхши сақланган. Бу расмда фил устида кетаётган одамларга шернинг ҳужуми тасвирланган бўлиб, бу композиция ўзининг динамикаси ва ажойиб ранг гаммаси билан ижодкорнинг юксак маҳорат эгаси эканлигини исботлайди. Рассом ишлаган ҳар бир образнинг тугал шаклга эга бўлишига, ҳар бир детални ҳам иложи борича аниқ ва тугал даражада кўрсатишга интилган[3].

1965 йили Самарқанд яқинида топилган афсонавий подшоҳ Афросиёб саройи археологик топилмаси катта шов-шувга сабаб бўлди. Бу топилма яна бир бор Ўрта Осиёда илк феодализм асридаёқ юксак маданият мавжуд бўлганлигини жаҳонга намойиш этди. Бу сарой қолдиқларининг деворларига ишланган тематик расм ва нақш композициялари юксак маҳорат билан ишланганлиги билан ажралиб туради. Афросиёб деворий расм композиция ишланиши, деталларга эътибор бериши жиҳатидан Варахша расмларига яқин бўлса ҳам, лекин бадиийлик ва маҳорат жиҳатидан улардан устундир. Афросиёб деворий расмларининг аҳамияти яна шундаки, расмлар билан бирга Суғд ҳарфларида ёзилган бир қатор сўзлар ҳам учрайди. Афросиёбда археологик қазишмаларда очилган деворий расмларнинг мазмуни янада ўзгачадир. Олдинда оқ фил устидаги тахтиравонда малика, филга мингашган жория эса тахтиравонни ушлаб бормоқда. Фил ортидан қорабайир, тўриқ ва саман минган уч нафар аёл, улардан биринчисининг қўлига суғдча “маликанинг янгаси” деган аниқ сўзлар ёзилган. Аёлларни туя минган икки нафар қуролланган эркак кузатиб бормоқда. Юқорида от етаклаган киши ҳамда тўртта оққуш ҳайдаб бораётган ўспириннинг расми чизилган. Уларнинг оғиз ва бурунлари оқ мато билан боғланган. Деворнинг марказида бошқа расмлардан икки баробар катталаштириб чизилган сувори отлиқлар қуршовида кетмоқда. Хоналарнинг ғарбий деворида шоҳона либосларда қимматбаҳо тухфалар кўтарган кишилар тасвирланган. Афросиёб деворий расмлари мусаввирнинг ҳаёлий мушоҳадаси бўлмай, балки унда Самарқандда бўлиб ўтган тарихий воқеа – Самарқанд подшосининг Чоч, Фарғона ва Уструшона давлатлари билан олиб борган элчилик муносабатлари тасвир этилган.

Илк Ўрта асрлар рангтасвир (айниқса Самарқанд) усулининг нафис мужассамоти гоҳ тантанавор, гоҳ шиддат руҳи билан суғорилган, одамлар қиёфалари имкон борича типиклаштирилган, ҳаракат ва ҳолатлари назокат ила ифодаланган. Юзларининг тўртдан уч қисми тасвирланиш шаклларининг мураккаб ҳолатларига қарамай, рангтасвир услубига ўзгача эътибор берилган. Безакдор образ ва мужассамотларнинг умумий маҳобатини кучайтирувчи усулнинг асосий хусусиятига айланди, безакда тасвирий лавҳалар нақшлар билан уйғунлашди.

Ўрта Осиёнинг илк феодализм асридаги монументал-декоратив рангасвири тўғрисида фикр юритганда, Термиз яқинидан топилган «Юмалоқ тепа», унга яқин жойлашган «Болалик тепа» деворий расмларини эсламай бўлмайди. Бу расмлар характерининг шаклланишида шу давр монументал-декоратив рангасвирига хос услуб мавжуд бўлиб, булар бирликда Ўрта Осиё илк феодализм асрида бу санъатнинг юксак бўлганлиги, бу санъатда турли услуб ва йўналишлар мавжуд бўлганлигини яна бир бор намоён қилади. Илк феодализм асрида амалий-декоратив санъат ҳам жиддий равишда топди.

Далварзинтепа деворий расмларига тўхталадиган бўлсак, мавзуларнинг хилма-хиллиги ва уларнинг ўта маҳоратли ишланганлигини кўришимиз мумкин. Деворий расмлар ва ҳайкалтарошликда бу давр ривожланишига диний тушунчалар, турли этномаданий оқимлар катта таъсир кўрсатган. Бунда тасвирий санъатнинг нодир намуналаридан бири Болаликтепа деворий расмларидир. Унда қаҳрамонлар мавжуд тарихий муҳит қамровида тантанали кўринишларда ўз аксини топган [4.251].

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон рангасвирида янгиланиш ғоялари муносабати билан турли жабҳаларда янги фикрлаш нуқтаи назари билан кенг маънода бадиий тажрибани англашнинг ўзаро алоқадорлигига қизиқиш кучайди. Бугун олиб борилаётган сиёсатнинг негизида эркинлик ғояси билан сингдирилган асарларга талаб вақт ўтиши билан ортиб бораётиб, бу, рассомлар ижодига алоҳида эътиборнинг ўсишидан далолат беради.

Айни пайтда монументал санъат соҳасини ривожлантириш бўйича ижодкорлар олдида кўпгина вазифалар турганини таъкидлаш лозим. Хусусан, бу соҳада ҳам замонавий ижодий мактаб яратиш, шу мақсадда кенг миқёсда фикрлайдиган, қадимий тарихимиз, миллий табиатимизни чуқур биладиган, ўзи яратаётган образининг барча хусусиятларини авваламбор юрагидан, қалбидан ўтказиб ижод қилишга қодир бўлган етук ҳайкалтарош ва меъморларни тарбиялаш долзарб масала бўлиб турибди [3].

Ўзбекистонда рўй бераётган йирик ўзгаришлар, янгиланиш, тараққиётнинг янги-янги босқичларга кўтарилиши мазкур санъат йўналишида улкан кашфиётлар амалга оширишга имкон яратмоқда. Ўзбекистон замонавий тасвирий санъатининг асосий тамойиллари, услубларининг кенг

кўламлилиги ҳамда юқори маҳорати, образлар мазмундорлигини сақлаган ҳолда реалистик анъаналардан тортиб авангардлик йўлидаги изланишларгача, айниқса, монументал санъат намуналарида намоён бўлади. Жумладан, мана шундай кўркем иншоотлардан бири Сенат биносининг асосий кириш зали деворларида юртимизнинг буюк рассоми, академик В.И.Бурмакин ижодига мансуб маҳобатли рангасвир асарларини кўришимиз мумкин. Бу асарларда Шердор мадрасасининг орнаментал шаклларида ташкил топган жуда мураккаб композицияни ҳамда унинг каршисидаги иккинчи асарига назар ташласак, ушбу асар абстракт йўналишда яратилган. Асарда ранглар орқали шакллардан иборат бўлган, юқорига қараб интилаётган чизгиларда, юртимизнинг серқуёш жаннатмакон ўлкалиги юксак маҳорат билан тасвирланганлигини кўраимиз.

Пойтахтимиз марказида ҳашаматли, улуғвор, юксак дид билан қурилган Форумлар саройи биносининг яратилиши юртимиз меъморчилиги тарихида катта воқеа бўлди. Ушбу бинонинг экстерьер ҳамда интерьер кўринишларига эътибор берадиган бўлсак, миллийлигимиз руҳи сезилиб турганини ҳис қиламиз. Форумлар саройи биноси безатилиши тўғрисида тўхталиб ўтар эканмиз, унинг ички объектида, фойе деворий қисмида Ўзбекистон халқ рассоми, академик Ж. Умарбеков томонидан “Келажакка интилган Ўзбекистон” номи остидаги фалсафий мушоҳадага элтувчи монументал рангасвир асар яратилганини айтиб ўтамиз. Ушбу бебаҳо асар юртимиз миллий санъатининг равнақига улкан ҳисса қўшганлигини таъкидласак, муболаға бўлмайди. Умумбашарий қадриятларнинг алоқаси ва таъсири ғоясини рассом ўзининг “Идрокли Инсон” маҳобатли композициясида акс эттиради. Асарда унинг рангасвир услуби кескин ўзгарганлигини, шакл маҳобатини, композиция ва ритмнинг узвий маънодорлигини, рангасвирдаги нур ва ҳаводан иборат фазовий муҳитнинг ҳаракатга бойлигини кузатиш мумкин. “Идрокли Инсон” асарида Умарбеков инсон заковати ва билим тажрибасининг асрлар оша мукамаллашиб, ўсиб бориши ғоясини буюк онг ва иқтидор вакиллари орқали етказишга ҳаракат қилган.

Шаҳримиздаги кўркем иншоотлардан бири Ўзбекистон давлат консерваторияси биносининг Орган залидаги монументал рангасвир асар Ўзбекистон халқ рассоми Рустам Худайберганов томонидан яратилган, ушбу асар монументал рангасвирнинг

“Витраж” услубида бажарилган бўлиб, бинонинг интерьер қисми кўринишига асардаги ранглар товланиши шу залдан таралаётган куй билан уйғунлашиб, томошабинга ўзгача шукуҳ бахш этади. Р. Худайбергановнинг ушбу йилларда яратилган яна бир монументал рангасвир асарларидан бирига тўхталадиган бўлсак, Тошкент шаҳрининг марказида қад ростлаган Сенат биноси фойесининг тепа қисмидаги асар ҳам “витраж” услубида ишланиб, “Ҳаёт дарахти”, деб номланади. Ушбу асарнинг умумий ҳажми 50 кв. м. дан ортиқ бўлиб, триптих шаклида бир мавзули уч бўлимдан иборатдир.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида шаклан ва мазмунан миллий йўналиш касб этадиган санъат умуминсоний характернинг юзага келиши ҳамда жаҳон цивилизациясида намоён бўлишида ўзининг характерли хусусиятларини

сақлаб қолиши керак. Бу жиҳатдан тобора янги шакл ва йўналишларни қамраб олаётган тасвирий санъатнинг ўрни беқиёсдир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг аждодларимиз томонидан минг йилликлар ичида яратилган бебаҳо мерос анъанавий бадиий маданияти, тасвирий ва амалий санъатини тиклаш, сақлаш ҳамда тараққий эттириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Маҳобатли рангасвир санъати ривожининг асосий мезонларидан бири бўлган ижодий эркинликни, мавзу ва услубларнинг эркин танланишини, энг муҳими эса бадиий меросимизнинг бой анъаналарига мурожаат қилишга кенг имкониятлар яратмоқда ҳамда маънавий оламимизни юксалтиришга катта ҳисса қўшмоқда.

#### Адабиётлар:

1. Амалий безак санъати. Тасвирий санъат. ЎзМЭ. 12-том. -Т., 2006.
2. Азия и Африка сегодня. -№ 2,4,6,8. 2007 й.
3. Большой энциклопедический словарь.- Санкт-Петербург, “Норинт”, 1997.
4. Комаров, А.А. Стенопись : объём и пространство. - М., 2000.
5. Каримов И.А. Юсак маънавият – энгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
6. Пугаченкова Г. Из художественной сокровищницы Среднего Востока. –Т., 1987.
7. Степанов, Г.П. Композиционные проблемы синтеза искусств. - Л. :Художник, 1984.
8. Сикейрос, Д.А. “Композиция на здании ректората в университетском городке”, фрагмент. Комбинированная техника высокого рельефа, живописи, мозаика из естественного камня, керамики и металлических плиток”. 1952 г.
9. Тормаи, О. “Каменные мозаики”. -М., 1951. -1953.
10. Ўзбекистон санъати. –Т., 2001 .
11. Қорабоев, У. Маданият масалалари. –Т., 2009 .
12. Абдуллаев Н. Ўзбекистон санъат тарихи. –Т., 2007.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)